Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 5-oktabr, shanba № 122 (3315)

## Кучли фуқаролик жамияти сари

**Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида улкан янгиланишлар жараёни кечаётир. Президентимиз таклиф этган Концепция асосида ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент Бухоро ва Самарқанд вилоятларида муваффақиятли амалга оширилмоқда.**

# Фаолият очиқлиги – самарадорлик кафолати

Таъкидлаш жоиз, Самарқанд вилоятидаги 74 та давлат ҳокимияти ва бошқарув органи ҳамда 16 та туман-шаҳар ҳокимликларида қонун лойиҳасида белгиланган меъёрлар асосида ишлар ташкил этилаётир. Муҳими, ҳудуд аҳлига мазкур қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти, уни амалга ошириш механизмлари хусусида етарлича маълумот бериб борилаяпти. Ахборотга эҳтиёжи бор ҳар бир фуқарога фаолият очиқлигининг қатор усулларидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Ушбу жараёнга бевосита дахлдор жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари ҳам фуқароларимиз эркин ахборот олиши мумкин бўлган воситаларни амалиётга татбиқ этаётир. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ахборот ойнасидан, қонун лойиҳасида белгиланганидек, ташкилот иш тартиби, жумладан, фуқароларни қабул қилиш ва мурожаатларни кўриб чиқиш, тақдим этиладиган хизматлар рўйхати ва уларни кўрсатиш тартиби, тўққиз ойлик фаолият тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

— Фаолият очиқлиги ва шаффофлиги нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари учун ҳам энг зарур воситадир. Аслини олганда, ахборот ойналари ташкил қилиш ҳам янгилик эмас. Жамоат ташкилотимизга бу усул қатор йиллардан буён фойда бериб келаётир, — дейди бирлашма кенгаши ташкилий ишлар бўлими мутахассиси Зебунисо Ҳакимова. — Бундан ташқари, бирлашма кенгашининг махсус веб-сайти ишга туширилди. Ахборот-матбуот хизмати такомиллаштирилди. Жамоат ташкилоти фаолиятига доир барча маълумот кенг оммага етказилаяпти. Бўлимларнинг муҳим хабарларини веб-сайтга муттасил жойлаштириши йўлга қўйилди.

Касаба уюшмалари томонидан электрон кўринишда 8 та, оғзаки 2 та сўровнома қабул қилиниб, барчасига ўн беш кун муддат ичида жавоб берилган.

— Сўровларни ҳуқуқий экспериментдан ўтказилаётган қонун лойиҳаси нормалари доирасида ташкил қилиш мақсадида алоҳида журнал юритаяпмиз, — дейди бирлашма юридик бўлими етакчи юристконсулатни Азамат Болибоев. — Бўлимимизда сўровларни қабул қилиш ва дастлабки ишлар марказлаштирилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Жумладан, бирлашма кенгашига Нарпай туманидаги «Зирабулоқпахта» ОАЖ кутубхоначиси Ойгул Хўжаева электрон шаклда сўров йўллаб: «Ходимлар йилига уч-тўрт маротаба касаллик варақаси келтириши, уларга ҳам ойлик иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида ҳақ тўланиши мумкинми?» дея мурожаат қилган. Бирлашма юридик бўлими белгиланган муддатда мазкур сўровга муфассал жавоб берди.

Бундан ташқари, бирлашма биносида фуқароларни қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилиб, кенгаш раиси, раис ўринбосари, бўлим бошлиқлари, Марказий кенгашларнинг вилоятдаги масъул ташкилотчилари тасдиқланган жадвал асосида фуқароларни қабул қилишмоқда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг барча сўровларига белгиланган вақтда жавоб берилишига катта эътибор қаратилаётир.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



### ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги «Севинч» савдо ишлаб чиқариш фирмасида пахта чиқиндисидан нотўқима маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилгач, яна 15 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

***Суратда:*** *«Севинч» савдо ишлаб чиқариш фирмаси ишчиси Гулчеҳра Жумаева.*

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат**

## Ойдин манзиллар

# Қишлоқ эмас, мўъжаз шаҳарча

**Навоий вилоятида амалга оширилган бунёдкорликлар, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида гап кетса, Қизилтепа тумани албатта тилга олинади.**

Ванғози қишлоғини бемалол мўъжаз шаҳарчага ўхшатиш мумкин. Муҳташам бинолар, замонавий типда қурилган сервис шохобчалари, равон йўллар, обод кўчалар кўрганнинг ҳавасу ҳайратини уйғотади. Истиқлолнинг 22 йиллик байрами арафасида бу ерда «Оқмачит» маҳалласининг янги маркази ишга тушди.

— Марказда маҳалла фаолиятини янада такомиллаштириш, халқ орасига тобора чуқурроқ кириб бориш учун ҳамма шароит муҳайё, — дейди фуқаролар йиғини раиси Мавжуда Шарипова. — Бу ерда оқсоқол, профилактика нозири, маслаҳатчи, масъул котиб ва посбон иш хоналари, шунингдек, мажлислар зали мавжуд. Эски бино ўрнида ана шундай муҳташам бино барпо этишда ҳомийлик қилган «Рисолат Ёқуб» ҳамда «Адиз бобо» фермер хўжаликларидан миннатдормиз. Ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганмиз. Бу ҳужжатлар билан ишлашда, ахборотлардан ўз вақтида бохабар бўлишимизда жуда қўл келаяпти.

Маҳаллада намунавий лойиҳа асосидаги гузар барпо этилган бўлиб, айниқса, сифатли ва арзон маҳсулотлар билан савдо қилувчи мини маркет фаолиятидан аҳоли жуда мамнун. Шунингдек, истаган пайтда «Paynet», сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси ва бичиш-тикиш цехи хизматидан фойдаланиш мумкин. Шинам чойхона эса маҳалла оқсоқолларининг севимли маскани.

— Гузарнинг барпо этилиши нафақат қишлоқ инфратузилмасини ривожлантирди, балки 25 кишининг иш билан таъминланишига имкон яратди, — дейди Мавжуда опа. — «Адиз бобо» ҳамда «Хафқариён баракали замини» фермер хўжаликлари ҳомийлигида ҳудудимизда бозор ҳам қурилаяпти. Замонавий типдаги бозор «Оқмачит»нинг кўркига янада кўрк қўшади, албатта.

Қишлоқнинг кун сайин чирой очаётгани рост. Ўтган йилда ҳудудда намунавий лойиҳа асосидаги 25 та уй фойдаланишга топширилди. Тумандаги «Сарой», «Маликобод», «Тошмачит», «Пахтаобод», «Оқработ» ва яна қатор маҳаллалар ҳам ўз марказига, замонавий гузарига эга бўлди.

**Холбиби САФАРОВА,**
**журналист**

## Янгиликлар оқимидан

### ФАРҒОНА

**Тошлоқ тумани Заркент қишлоғида тадбиркор Аҳмаджон Кенжабоев саъй-ҳаракати билан янги новвойхона ва ширинликлар ишлаб чиқариш цехи фаолият кўрсата бошлади.**

### ИМТИЁЗ ЭВАЗИГА

— Корхонада 20 дан зиёд турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди хусусий тадбиркор А.Кенжабоев. — Бунинг учун ўз маблағимизга қўшимча равишда банкдан ҳам кредит олдик. Натижада, коллеж битирувчиларидан 10 нафари ишли бўлди.

Солиқ юкининг камайтирилиши тадбиркорлик ҳаракатига янада кенг йўл очиб бермоқда. Ишбилармон ушбу имтиёздан фойдаланиб, йил охирига қадар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ниятида.

Яқинда у туманда олиб борилаётган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари учун 40 млн. сўм маблағ ажратди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

### САМАРҚАНД

**Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги ахборот-ресурс марказида «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази мутахассиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

### ЗУККО ХОДИМ

Танлов натижасига кўра, Нарпай туманидаги 6-умумтаълим мактаби ахборот-ресурс маркази мутахассиси Дурдона Нарзиева билимдонлик, маҳорат бобида мутлоқ ғолибликни қўлга киритди.

**Ўз мухбиримиз**

### ЖИЗЗАХ

**Юнус Ражабий номли вилоят мусиқали драма театрида «Ораста қизлар» республика фестивалининг Жиззах шаҳар босқичи ташкил этилди.**

### ОРАСТА ҚИЗЛАР ТАНЛОВИ

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган анжуманда коллеж ва лицейларда фаолият кўрсатаётган «Ораста қизлар» тўгараги аъзолари иштирок этди.

Танловда ўқувчи қизлар томонидан ёшлар ҳаётидаги долзарб мавзулар ёритилиб, муаммолар ечими бўйича таклифлар билдирилади, бошқача айтганда, жамиятдаги муаммолар ёшлар нигоҳи билан таҳлил этилиб, улар ечимига эътибор қаратилади.

Фестивалнинг очилиш маросимида сўз олган вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳло Аҳророва мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ҳаёт тарзимизга зид ғоялар, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда таълим масканларида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгаракларини муҳим аҳамият касб этаётгани эътироф этилди.

— «Ораста қизлар» республика фестивали Жиззах шаҳар босқичида шаҳримиздаги коллеж ва лицейларнинг 120 нафардан ортиқ ўқувчиси иштирок этди. Ғолибларни саралашда тўгараклар фаолияти, қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, тиббий-экологик соҳалардаги билимига асосий эътибор қаратилди, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Назира Мухторова.

Фестивалда Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи қизлари биринчи ўринга лойиқ топилди. Сайилжойи ҳамда ЖДПИ қошидаги 2-академик лицейлари жамоаларига 2-3-ўринлар насиб этди. Иштирокчиларга диплом ва сертификатлар топширилди.

**Ҳ. ФОЗИЛОВ,**
**Жиззах шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари**

## Жаҳон ва ёшлар

**Ҳамид Неъматов етук тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор. Узоқ йиллик самарали меҳнати муносиб тақдирланиб, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими унвони берилган. Устоз илмий фаолияти давомида иқтидорли, изланувчан ёшларга мураббийлик қилганлиги билан, айниқса, ардоқлидир.**

**Бухоро Давлат университетида сабоқ олган Нофиза Воҳидова ва Нилуфар Ширинова сингари ёшлар унинг истиқболи порлоқ шогирдларидан. Уларнинг тилшунослик соҳасидаги илмий кашфиётлари кенг кўламда эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас. Устоз шогирдларининг илмий изланишлари тўғрисида қуйидагиларни баён этди:**

# Эътиборга лойиқ кашфиёт

— Истиқлол шарофати билан шаклланиб, амалиётга татбиқ этилган ўзбек субстанциал тилшунослигининг манбалари, ривожланиш босқичлари, жаҳон илми учун тамоман янги бўлган мақсади, асосий илмий тушунчалари ва таҳлил усуллари ҳақида янги маълумотлар юзага келмоқда. Жумладан, Бухоро Давлат университети олимаси Нофиза Воҳидованинг ўзбек фанидан ишлаб чиққан усуллар билан немис тили лексикаси тавсифига жиддий аниқликлар киритиб, Ғарб олимларининг ҳам ҳайрати, ҳам диққат-эътиборига ҳамда Маннҳайм университети докторантлиги-ю Конрад Аденауэр жамғармаси грантига сазовор бўлганлиги таҳсинга лойиқ.

Яқинда Германиядан бир мужда келди: Нофизахон «Немис тилида лексик-семантик градуонимия» мавзуида докторлик диссертацияси — ўзбек субстанциал тилшунослигининг асосий илмий тушунчаларидан бири бўлган градуонимия ва градуаллик муносабатларини умумлисоний қонуният ва муносабат шакли эканлиги эътироф этилди. Ўзбек субстанциал тилшунослиги Европа тилшунослигида ўз илмий тушунчасини ўрнаштириб, бойитди. Нофиза Воҳидова Марказий Осиё минтақасидан чиққан ва Ғарб тиллари бўйича Ғарб университетларида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган биринчи олимадир.

Н. Воҳидова ўз изланишларини бошлаган 2007 йилда интернет тизимида қидирувга градуонимия илмий тушунчаси берилса, хазинада бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқлиги ҳақида хабар берилар эди. 2007 йилда Лейпциг университетининг профессори Барбара Вотяк Нофизахонга: «Бу мавзуни қаердан олдинг? Кўрмаган манба, титкиламаган луғат қолмади — ҳеч ерда градуонимия тушунчасига изоҳ йўқ-ку!» деб айтган эди. Ҳозир интернет қидирувчига бундай сўров билан мурожаат қилинса, ўнлаб ишлар берилади. Бу илмий ишлар Ғарб тиллари, турли минтақа олимлари томонидан амалга оширилганлигига қарамай, барча ишларда бу илмий тушунча ўзбек тилшунослигида ишлаб чиқилганлиги ҳақида маълумот ва ўзбек олимлари ишларига ҳавола қилинади.

Доктор Н.Воҳидова Ғарб тилшунослигида оммалаштирган градуонимия тушунчасига илмий жамоатчиликнинг қизиқиши жуда баланд эканлигини яна бир ёрқин воқеа исботлади: Бухоро Давлат университетининг аспиранти Нилуфар Ширинова 2010 йилнинг декабрида «Ўзбек тилида предметлик ва белги хусусият маъноларининг фарқлаш воситалари» мавзуида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациясини муваффақиятли ёқлаган эди. Бир қарашда мавзу алмисоқдан қолган — от ва сифатларнинг фарқлаш восита-ю усуллари, отлашиш (субстантивация) ва сифатлашиш (адъективация) ҳодисалари ҳақида Арасту бобомиздан бошлаб минглаб олимлар муайян фикр билдириб кетишган.

Шу боис Нилуфар ишининг ҳимояси анча оғир ўтди. Олимларнинг бу иш тамоман бошқа руҳ ва йўналишда, бошқача илмий таҳлил тамойиллари асосида бажарилганлигини уқишлари анча қийин кечди. Мураккаблик шу даражага етдики, ҳимоя жараёнида диссертант расмий ҳакамы — мўътабар ва оқсоқол олимга берган жавобида идрокий таҳлил усулида бажарилган синтетик тадқиқот фаҳмий усул ва аналитик изланишлар нуқтаи назаридан таҳлил этилаётганлиги боис мутлақо уқилмаганлигини таъкидлаб ўтишга мажбур бўлганди. Ҳақиқатан ҳам, Н.Шириновaнинг тадқиқотида муаллими аввал — Арастудан қолган эски мавзу янги — ўзбек субстанциал тилшунослигининг бугун бутун оламни қизиқтираётган янги илмий тушунчаси — градуонимия ва грудуаллик муносабатлари асосида таҳлил этилган ва тамоман янги хулосалар олинган эди.

Олиманинг градуонимиянинг лисоний онгга ҳам хослиги, у орқали, табиийки, оламнинг лисоний манзарасини беришда ҳам таъсир этиш ҳақидаги фарази Ғарб олимларини, айниқса, замонавий тилшунослик «ота»лигига даъвогар немис олимларини қизиқтирди. Германиядаги байналмилал Lambert Academic Publishing нашриёти(http://www.lap- publishing.com.) Нилуфар Шириновага мавзуси бўйича 5 босма табоқдан кам бўлмаган монографиясини эълон қилиш ва интернет орқали жаҳонга ёйиш учун рус ёки инглиз тилида юборишни сўраб мурожаат қилди. Олима ўз илмий хулосаларини кенгайтириб, инглиз тили материаллари билан бойитиб китобни нашриётга тақдим қилди. Мана, бу китоб олам юзини кўрди ва 49,9 евролик нарх билан интернет китоб магазинларида сотувга чиқди. Бу орқали ўзбек фани яна бир оламшумул ютуқни қўлга киритди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Ғарб олимларининг ўзбек субстанциал тилшунослигига диққати — жаҳон ҳамжамиятига ўз йўли, ўз моделлари билан шаҳдам кириб бораётган ўзбек маданиятига умумий қизиқиши ва эътибори далилларидан биридир.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

"Ishonch"– Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133
2014 йил учун обуна бўлишни унутманг

# 2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Ishonch
2013-yil 5-oktabr № 122 (3315)

**Бу дунёда ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш, ҳасад, кўролмаслик деган иллатлардан жудо бўлиш керак. Агар ҳар қайси инсон — у фермер бўладими, тадбиркор бўладими — ўзининг ҳалол меҳнати билан даромад топаётган, бойлик орттираётган бўлса, қандини урсин!**

**Ислом КАРИМОВ**

# Тадбиркорлик — давр талаби

**Фермерлик инсондан фаоллик ва уддабуронликни талаб этади. Юртимизда жонкуяр фермерлар кўп. Ўз фаолияти давомида барчага бирдек намуна бўлиб келаётган Қўшкўпир туманининг «Барака» фермер хўжалиги раҳбари Саъдулла Бобожонов ҳам ана шундай фидойи, аҳоли ва халқ манфаатини доимо юқори тутувчи фермерлардан саналади.**

## «Барака»нинг баракаси

### аҳоли фаровонлигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда

— 1995 йил 5 гектар ер майдони ва 5 нафар ишчи билан фаолиятимизни бошлаган эдик. Бугун 80 гектар ерда фаровонликка ҳисса қўшяпмиз, — дейди С. Бобожонов. — Ишчиларимиз сони 30 нафардан ортади. Ғалла топшириш шартномавий режамизни ортиғи билан уддалагандик, энди пахтамизни ҳам 40 центнердан ошириш ниятимиз бор.

Бугун хўжалик боғларидаги мева ва сабзавот дейсизми, полиз экинларими, турли нав узумлари дейсизми, аҳоли дастурхонидан муносиб жой олган. Шунингдек, парваришланаётган паррандалар мингдан ортади. Буларга қўшимча ўн бош қорамол ҳам боқилмоқда. Учта шахсий трактор ишчиларнинг оғирини енгил қилаётир.

— Мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшиш истагида сервис хизматини ҳам йўлга қўймоқчимиз, бунинг учун ҳозирданоқ қишлоғимиздаги оромгоҳда таъмирлаш ишларини бошлаб юбордик, — дейди фермер. — Шу ерда маҳалла гузари ташкил этилади. Унда кутубхона, сартарошхона, спорт комплекси ва савдо дўконлари қурилиши мўлжалланяпти. Энг муҳими, янги гузар янги иш ўринлари яратилишига ҳам хизмат қилади.

**Руҳия ИСМОИЛОВА**

**Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб баркамол авлод тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилаб олинди. Айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

## Фоизсиз кредит

Бу борада янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастури қўл келмоқда. Ушбу дастур асосида Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгашининг тақдимномасига биноан Чимбой туманидаги «Бабашев Айбек» фермер хўжалигига 5 млн. сўм фоизсиз кредит ажратилди.

Фермер хўжалиги раҳбари Ойбек Жуманиязов тадбиркорлик фаолиятини 2009 йилдан бошлаб, асосан деҳқончилик билан шуғулланиб келади. У келажакда ўз бизнесини янада ривожлантириш ҳамда қишлоқда истиқомат қилаётган тенгдошларини иш билан таъминлаш, шу йўл билан юртимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшишга аҳд қилган. Шу мақсадда Чимбой туманида маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини очишга оид бизнес режаси ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, кредит беришга қарор қилинди.

**Саятхан ЖУМАБОЕВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши масъул котиби**



## Меҳнатга яраша даромад

**Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги «Юксалиш саховати» фермер хўжалиги иқтисодий самарадорлиги муттасил ошиб бораётган субъектлардан.**

Хўжаликда олинаётган даромад ҳам меҳнатга яраша бўлмоқда. Жорий йилда ғалладан мўл ҳосил олинди. Шу кунларда 50 гектар майдондаги пахтазорда терим давом этаётир. 150 бош қорамол парвариш қилинаётган хўжаликда кунига олти юз литргача сут соғиб олинаётгани қайта ишлаш цехида беш турдаги маҳсулот тайёрлаш имконини бераётир.

**Суратда:** *«Юксалиш саховати» фермер хўжалиги раҳбари Қудратилло Тўйчиев.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

**Бухоро вилояти Вобкент туманидаги «Xuapeng Bing» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси полиэтилен қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.**

2010 йилда ташкил этилган мазкур корхона ўз буюртмачиларига кенг ассортиментдаги қадоқлаш маҳсулотларини тайёрлаб бермоқда. Бу ерда етмишга яқин йигит-қиз доимий иш билан таъминланган.



**Суратда:** *корхона ишчиси Барчиной Неъматова.*

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат**

## Ернинг тилини билганлар

**Тоғли Бойсун туманининг «Омонхона» қишлоғида Жўра ҳожи Аҳмедов деган мўйсафид бор. Отахон умри давомида элга наф келтириб, юрт корига яраб келди. Кексайганида ҳам бекор ўтиришни эп кўрмай, шахсий томорқасида деҳқон хўжалиги ташкил қилди ва бодринг, помидор, бақлажон, булғор қалампири етиштиришни йўлга қўйди. Томорқа хўжалигини деҳқон хўжалигига айлантириш ниятида эканлигини айтганида, оила аъзолари уни бир овоздан қўллаб-қувватлашди.**

Янги хўжаликнинг 0,5 гектарига иссиқхона барпо этиб, лимон кўчати ўтқазишди. Орасига помидор ниҳоли қадалди. Бир томонида бодринг, қалампир, зиравор ўсимликлар, кўкатлар етиштиришга киришилди. Рафиқаси Холдорой, қизлари Дилфўза, Гулсара, Наргиза, ўғиллари Алишер, Шерзод, Шерали, келинлари Муҳаббат ва Гулжаҳонлар астойдил меҳнат қилишди.

— Ҳаракатларимиз самарасиз кетмади, — дейди отахон. — Иссиқхонамизга барака ёғилди. Помидор ва бодрингдан ҳосил зўр бўлди. Дастлабки йилдаёқ лимондан даромад чакки эмас. Помидор ва бодрингдан олган даромадимиз 20 млн. сўмдан ошди. Кўкатлар ҳам бозорга пешма-пеш олиб чиқиляпти. Айтганча, боғимиздаги меваларнинг ҳам чўғи баланд. Гилоснинг савдоси яхши кечди. Бу йил умумий даромадимиз 50 млн. сўмдан ошса, ажабмас.

Аҳмедовлар учун ҳар бир қарич ер ҳисобли. Келгусида томорқа хўжалигида яна 0,6 гектар ерда иссиқхона бунёд этиш режалаштирилган. Лойиҳа қурилиши учун Агробанкнинг Бойсун туман бўлими 20 млн. сўм сармоя ажратди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, ҳаётда муносиб из қолдиришни дилига туккан киши кам бўлмайди. Тошкент вилояти Қибрай тумани Чинобод ҚФЙ ҳудудидаги «Чинобод — Кентаев Абдуқодир» фермер хўжалиги раҳбари Абдужаббор Кентаевни маҳалладошлари шундай хислатлари туфайли эъзозлашади.**

## Бахт калити

— Ҳукуматимиз томонидан фермерликка кенг йўл берилди, — дейди у. — Бугунги кунда ишлайман, шижоат кўрсатаман деган инсонларга кўрсатилаётган эътибордан бошим осмонга етади. Бошланишида 1,5 гектар ерим бор эди. Орадан 8 йил ўтиб, хўжалигимиз 40 гектар майдонга эга бўлди. Фермер, аввало, ишнинг кўзини биладиган, билимли, ишловчиларга ғамхўр бўлиши керак. Фаолиятимда ана шу жиҳатларга эътибор қаратаман. Режаларимиз катта. Мисол учун, маҳаллада маиший хизмат уйи ташкил этишни ният қилганмиз. Ҳозир бу борада иш олиб борилаяпти.

Асли Қибрай туманининг Бура-ота қишлоғида туғилган А.Кентаев фермерлик фаолиятини 2006 йилда бошлаган. Бунгача эса жамоа хўжалигида агроном, ғазначи бўлиб ишлагани боис ишни йўлга қўйишда қийналмади. Хўжалик аста-секин оёққа турди. Йилдан-йилга даромади яхшиланиб борди. Бу йил ҳам умумий даромад 40 млн. сўмни ташкил этди. Гектаридан 70 центнер ғалла олинди. Ердан боғдорчилик, сабзавотчилик мақсадларида ҳам унумли фойдаланилмоқда. Фермер хўжалигида 20 нафар ишчи меҳнат қилади. Шавкат Қўчқоров, Азамат Анорбоев, Малика Қурбонова, Миршокир Буваев каби аъзолар далага бор меҳрини тўккан. Ишловчиларга иш ҳақи ўз вақтида берилиб, моддий рағбатлантириб борилаётир. Бундан ташқари, ҳар кимга ишига қараб 20-30 сотихдан ер, чорва учун ем-хашак, буғдой бериб турилади.

— Рағбат инсонга куч бағишлайди, — дейди Қибрай туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Ўткир Раззоқов. — А.Кентаев ҳамма томонни ҳисобга олиб, давр талабларига жавоб бераётган, намунали фермерларимиздан. Туман касаба уюшмасидан ажратилаётган йўлланмалар ишчиларнинг вақти-вақти билан дам олишини таъминламоқда.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Навоий вилоятидаги энг ёш фермер Нурмуҳаммад Бобоназаров «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу мукофот унга янада куч-ғайрат ва қанот бағишлади.**

## Ёш, изланувчан, ташаббускор

Мамат ака даланинг одами. Эсини танибдики, дала кезиб, эгат оралайди. Мустақилликнинг илк йилларидаоқ аграр соҳада бошланган ислоҳотлар туфайли фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилди. Мамат ака ҳам бир пайтлар ўзи бошқарган бригадани «Мадраҳим-Дилафрўз» фермер хўжалигига айлантирди. Ҳақиқий мулкдорга айланган фермер энди бутунлай янгича тартибда иш бошлади. Фарзандлари вояга етиб ёнига кирди. Айниқса, Нурмуҳаммаднинг деҳқончиликка қизиқиши бошқача. Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини битирган эмасми, соҳага оид анча назарий билимларга эга.

2007 йил М. Бобоназаров хўжаликни эндигина 18 ёшни қаршилаган ўғли Нурмуҳаммадга топширди. Туманда энг ёш фермер сифатида иш бошлаган Нурмуҳаммад биринчи йилиёқ ишончни оқлайди. Пахта ва ғалла бўйича режани ошиғи билан бажарди. Оптималлаштириш жараёнида хўжалик экин майдони кенгайиб, 185 гектарга етди. Бир гектар майдонда токзор барпо этилди, яна бир гектарда интенсив боғ яратилди. Ундан ташқари, полиз, сабзавот экинлари етиштириб келинмоқда.

Ҳозир хўжаликнинг ТТЗ, МТЗ русумли тўртта трактори бор. Учта енгил автомашина ҳам ҳалол меҳнат меваси. Хўжалик аъзоларидан икки нафари, жумладан, Нурмуҳаммад Бобоназаров намунавий лойиҳадаги уйга кўчиб ўтди.

— Обод турмуш йилида қўлга киритган ютуқларимиз янада мустаҳкамланди. Пилла етиштириш режаси ошириб бажарилди. 81 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қарийб 55 центнердан ғалла олдик. Давлатга 250 тонна ғалла топширган бўлсак, хўжалик ихтиёрида 200 тоннадан кўпроқ дон қолди. 80 нафар ишчимизнинг ҳар бирига 3 тоннадан, механизаторларимизга 8 тоннадан буғдой тарқатдик.

Ниятимиз — пахтадан ҳам мўл ҳосил олиш. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, биз ёшларга катта ишонч билдираётган экан, шунга яраша жавоб беришимиз керак, — дейди Н. Бобоназаров.

Фермер хўжаликни кўп тармоқли қилиш ҳаракатида. Айни пайтда 30 бош қорамол, 100 бошга яқин қўй-қўзи парваришланмоқда. Гўшт, сут, мева-сабзавотни қайта ишлаш цехларини ташкил этиш ҳам фермернинг яқин келажакдаги режаларига киритилган.

Ҳа, Хатирчи туманидаги «Ўзбекистон» ҚФЙда кўпчилик ҳавас қиладиган, ибрат олса арзийдиган шундай фермер хўжалиги бор. Уни ёш, интилувчан, тиниб-тинчимас Нурмуҳаммад бошқараётир.

**Исроил ХОЛБОЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

**Қашқадарёда бултур 90 минг тонна мева, 70 минг тонна узум, салкам 400 минг тонна сабзавот, 111 минг тонна полиз, 126 минг тонна картошка ва бошқа кўплаб деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилган бўлса, жорий йилда ялпи ҳосилни 1 млн. тоннага етказиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун 2012-2013 йиллар мобайнида қарийб 1000 гектар майдонда интенсив боғлар яратилди.**

## Дастурхон тўкин бўлади

Китоб туманининг Пахтаобод фуқаролар йиғинига қарашли Навқат қишлоғи ҳудудида жойлашган 11 гектарлик мевазор боғлардаги ниҳоллар Сербия давлатидан келтириб экилган. Тажрибали боғбон Ғайрат Эргашев раҳбар бўлган «Хайрабод сервис» МЧЖ боғларидан мижозлар қадами узилмайди. Улар «Чачан гўзали» деб номланган қароли, «Фуджи», «Мутсу», «Топред» олма навларини, маҳаллий мазали сабзавот ва картошкаларни харид қилиш учун олислардан ташриф буюришади.

Навқат боғбонлари ҳозирги пайтда мева ва сабзавотни қишда сақлаш учун совитиш мосламаси қуриш тараддудида.

Яккабоғ туманидаги Парда Хидиров раҳбарлик қилаётган «Маматов Шоди Хидирович» фермер хўжалигида айни пишиқчилик. Полшадан келтирилган кўчатлардан 1 гектарлик боғ яхши парвариш қилинганлиги туфайли «Чемпион» ва «Голден» навли олмалардан юқори ҳосил олинди. Фермер хўжалиги аъзолари бу йил иссиқхона хўжалиги барпо этиб, помидор ва бодрингдан ҳам юқори ҳосил етиштирдилар.

Ғузор туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалигининг 1 гектарлик иссиқхонасига кирсангиз чиққингиз келмайди. Бу ердаги лимон ва оралиққа экилган помидор, бодринг ҳамда бошқа сабзавотлардан мўл ҳосил олиниб, қишлоқдошларга тортиқ этилди.

Шаҳрисабзнинг «Синабоғ» маҳалласидаги оилалар ўзларининг деҳқон хўжаликларидаги ерларда Голландиядан келтирилган уруғлик картошка ҳосилдорлигини оширишга эришдилар. Вилоятдаги 100 га яқин фермер хўжаликларида 383 тонна уруғлик учун голланд картошкаси экилиб, улкан хирмон кўтарилди.

Қамашининг Баландчайла қишлоғида жойлашган «Агровосток» масъулияти чекланган жамияти 1,3 гектар майдонда иссиқхона хўжалигини барпо этиб, 1650 дона лимон кўчати, улар орасида бақлажон ва помидор ўстирмоқда. Жамиятнинг 6 гектарлик токзорида ҳосилдор ва сершира узум навлари яшнаб турибди.

Президентимизнинг «2013-2015 йилларда республикада узумчиликни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги Қарорига асосан вилоятдаги токзорлар яна 474 гектарга кенгайтирилди.

Келгусида воҳадаги 160 та хўжаликка 568 минг туп турли навдаги ток кўчатлари олиш учун 1 млрд. 561 млн. сўм ажратилади. Токзорлар 763 гектарга кенгайтирилиб 916 минг туп серҳосил узум навлари экилади. Республикада узумзорларни кенгайтириш дастурига асосан вилоятда 2013-2015 йилларда 2403 та янги токзорлар яратилади ва 4262 гектари реконструкция қилинади.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

